
БАҒДОДЛИК ЗИЁКОРЛАР БИР КИТОБГА ЖАМЛАНДИ

Бағдод тумани халқ таълими бўлими тизимидаги муассасаларда меҳнат қилиб, муносиб шон-шуҳрат қозонган фахрий педагоглар, айти пайтда соҳада самарали фаолият юритиб келаётган ўқитувчи-мураббийлар, иқтидорли ёшлар ҳамда таълим самарадорлигини оширишда яқиндан кўмак бериб келаётган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи “Бағдод зиёкорлари” номли энциклопедик тўплам босмадан чиқди.

Мақсуджон Холматов раҳбарлиги ва муаллифлигида тайёрланган тўплам Муҳаммаджон Турсунов, Тўлқиной Тожиева, Тўлқинжон Каримов, Тоҳиржон Ҳамроқулов, Солижон Усмонов, Дилфузахон Каримова, Эминжон Каримов, Жаҳонгир Саримсоқов ва яна кўплаб ташаббускорлардан иборат ижодий гуруҳнинг 3 йиллик машаққатли меҳнатлари самарасидир.

Пойтахтдаги “Наврўз” нашриётида нашрга тайёрланган мазкур тўплам “ИПАК YO`LI POLIGRAF” босмаҳонасида минг нусхада чоп этилди. Унинг тақдимот маросими яқин кунларда бўлиб ўтиши кутилмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2019-10-26 16:09:14